

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Худайкулов Зафар Бекназарович

**ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА
ФАОЛИЯТИ ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШ
ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Таълим йўналиши 5810200 «Спорт» (спорт турлари бўйича)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди
«Футбол назарияси ва услубияти» кафедраси
муdiri проф. Р.И.НУРИМОВ

Илмий раҳбар

«_____» _____ 2016 й.

Тошкент - 2016

МУНДАРИЖА

Кириш

I-Боб. Футболчиларнинг мусобақа фаолиятида муаммонинг қўйилиши

1.1. Футбол уйини ҳаракатларига умумий характеристика

1.2. Мусобақа фаолияти вақтида футболчиларни турли хил жисмоний сифатларини назорат қилиш

1.2.1. Футболни индивидуал техник-тактик ҳаракатларини назорат қилиш

1.2.2. Футболчиларни жамоавий техник-тактик ҳаракатларини назорат қилиш

1.3. Боб бўйича хулоса

II – Боб. Тадқиқотнинг вазифалари, методлари ва уни ташкил қилиши

2.1. Тадқиқот вазифалари

2.2. Тадқиқот методлари

2.2.1. Адабиётлар таҳлили

2.2.2. Футболчиларни мусобақа фаолиятини педагогик кузатиш.

2.2.3. Қиёсий метод

2.2.4. Математик-статистик метод

III- Боб. Футболчиларни индивидуал техник-тактик ҳаракатларини урганиш

3.1. Тошкент шаҳри биринчилигида катнашаётган 2-лига аъзоси «УзМУ» футбол жамоаси футболчиларини мусобақа фаолиятини ўрганиш

3.2. Олий лига қатнашчиси «Трактор» жамоаси футболчиларини мусобақа фаолиятини ўрганиш

3.3. Чет эл футбол жамоаларини мусобақа фаолиятини ўрганиш.

ХУЛОСАЛАР

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ.

Хозирги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда. Буни кейинги йиллардаги ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қарор ва қонунлар яққол қурсатиб турибди. Республика президенти И.А.Каримов томонидан футбол, кураш, теннис, бокс ва бошқа спорт турларига катта эътибор қаратилмоқда. Буни натижасида эса, спортчиларимиз томонидан халқаро йирик турнирларда муносиб тарзда юртимиз шон-шухрати юқорига қутаришмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистон футболчилари томонидан олдинга катта қадам қўйилди. Миллий терма жамоамиз ва клубли жамоаларимиз йилдан-йилга дунё микесидасида (Жаҳон чемпионати саралаш босқичларида, Олимпия ва Осиё уйинларида ва Осиё чемпионлари Кубок баҳсларида қатнашган ҳолда) ўз мавқеаларини тобора яхшилаб боришмоқда.

Футболда укув-машгулотининг самарадорлиги унинг мусобақа фаолиятига ҳамма вақт эътибор берилган. Бу эса футбол уйини тузимини урганишни тақозо этади. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор берилиб келинган ва бизнесча бу масалани урганишга қарама-қарши ҳам эътибор берилган. Негаки, футбол бошқа ҳаётий процесслар каби, доимо ўзгаришда ва ўсишда. Футболда ҳозирги даврда тактика, уйин стратегияси ва уйин системалари доимо ўзгаришда. Шу боис мусобақа фаолияти урганиш ва таҳлил қилиш ҳар қандай даврда ҳам долзарблигига қарама-қарши керак.

Тадқиқий йўналишга эга бўлган ишлар футболда 50-60 йиллардан пайдо бўла бошлаган. Бу тадқиқот ишларда муаллифлар ўзларини мусобақа фаолияти вақтида педагогик назорат шитобларини ишлаб чиқишган ва ҳаётга тадбиқ, этишган. Бу ишларни қўлчилиги спортчиларни жисмоний тайергарлигини ва техник-тактик ҳаракатларни самарадорликларини урганишга қаратилган.

Ю.А.Морозов (1967-1968); Г.С. Зонин (1970), И.А. Кошбахтиев (1975,2001); Р.А. Акрамов (1977,2002); Р.И.Нуримов (1975,1998); М.А.Годик, А.И.Шамардин (1981); ва бошқа бир катор муаллифлар айнан шу, масалаларни уз илмий тадқиқот ишларида еритишга ҳаракат қилишган. Футбол мусобақа фаолияти тизимини охириги йиллардаги кузатув натижалари шуни курсатяптики, бундан бир неча ун йил олдин курсатилаётган футбол ва ҳозирги футбол уйини орасида кескин фарк ва узғаришлар кузга ташланади.

Осиё футболини усиши, Африка футболини усиши, Жанубий Америка мамлакатлари футболини усиши сезиларли даражада булмокда. Лекин Европа футболни барибир дунеда етакчилик кимаётгани аниқ.

Осиё футбол жамоалари Европа футбол жамоалари орасидаги фарк кескинدير. Бир канча курсаткичларда осиелик футболчилар Еврупалик ҳамкасбларидан ортда колаётганлари охириги булиб утган Европа Чемпионати ва Осиё Чемпионати уйинларининг педагогик кузатувлар натижалари яна бир бор курсатиб берди.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон биринчиликларида иштирок этаётган футболчиларни ИТТХ, микдори ва самарадорликларини аниқлаш ва Европа жамоаларини шу курсаткичлари билан узаро таккослаш солиштиришдан иборат. Шу билан ўзбек футболчилари орқада колаётган курсаткичларини аниқлашдан иборат.

Шунинг учун футболчиларни мусобақа фаолияти педагогик кузатиш ва таҳлил қилиш доимо долзарблигича колади. Шу боис мазкур ишнинг мақсади: Ўзбекистоннинг турли футбол жамоалари футболчиларини ИТТХ микдори ва самарадорлигини аниқлаш ва ривожланган мамлакатлар футболчиларининг ИТТХ билан солиштиришдан иборат. Шу билан бирга улар орасидаги фарк ва футболчиларни тайергарлик даражасини қуришдан иборат. Тадқиқотлар юқори малакали футболчилар «Пахтакор» (Тошкент), 2-лига аъзоси «ЎЗМУ» футболчиларида олиб борилди. Тадқиқотлар яна дунени етакчи футбол жамоаларида ҳам олиб борилди.

Тадкикотнинг илмий янгилиги куйидагиларда намоен булган:

1. Турли квалификациядаги футболчиларни индивидуал техник-тактик ҳаракатларини микдори ва самарадорлигини янги курсаткичлари аниқланган.
2. Турли квалификациядаги футболчиларни микдор ва самадорлик курсаткичларини узаро таккослаш тахлили.

I – БОБ. ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИДА МУАММОНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

1.1. Футбол уйини ҳаракатларига умумий характеристика.

Уйин давомида футболчи турли хилдаги ҳаракатларни бажаради. Бу ҳаракатлар аниқ мақсад сари йуналган бўлади. Бу ҳаракатларни «уйин ҳаракати» деб тушунса бўлади. Уйин ҳаракатлари бу техник ва тактик приемларни йигиндиси бўлиб, булар ердамида конкрет уйин вазифаси бажарилади.

Футболда ҳар бир уйин моменти = хилдаги уйин вазифаларини очади.

Булар:

- а) бир футболчининг уйин вазифаси;
- б) группа футболчилари уйин вазифаси;
- в) жамоанинг уйин вазифаси;

Футболда индивидуал, группа ва жамоавий уйин ҳаракатлари гоёлари азалдан ишлатилиб келинади. Буни М.Д.Таваровскийнинг ишларида куриш мумкин. Товаровскийнинг фикрича, футболчиларни тактик тушунчалари индивидуал, группали машгулот ва кейинги - укув-машгулот уйинларида мусобақа вақтидагига нисбатан тезроқ ривожланади.

Спорт уйминларида спортчиларни уйин ҳаракатларини классификация қуйидагича:

1. Индивидуал техник-тактик ҳаракат (ИТТХ)
2. Группали техник-тактик ҳаракат (ГТТХ)
3. Жамоавий техник-тактик ҳаракат (ЖТТХ)

Уйин ҳаракатини микдорий тахлили турличадир. Охирги йилларда уйин ҳаракатини инструментал методлар билан қайд қилиш устида куплаб изланишлар олиб боришмоқда. Айниқса техника борасида ривожланган мамлакатларда бундай изланишлар купчиликни ташкил қилмоқда.

Dygrand M (1981), M. Ksionda (1981), Miyashito M, Tomozien R, Mizynot (1983) уларнинг жисмоний тадқиқот ишларида кино ва видеотехникалардан фойдаланиб, олинган маълумотларни автоматик тарзда таҳлил қилинган.

Стенография қайд қилиш методи ҳам ривожланмокда. Бу методда уйинчини ҳаракатлари қайд қилинади еки тупни уйин майдони бўйлаб ҳаракатини ва бу ҳаракатларни натижаларини қайд қилинади.

Уйинчиларни ҳаракатларини видеотизимлардан назорат қилишнинг яъна бир усули бу ультратовушли техникалар. Масалан техникада бу системани М.Мияшина қўллаган. Уйин сунгида статистик маълумотлар бир зумда аниқланган ва мураббий уни қизиқтирган маълумотларга эга бўлган.

1.2. Мусобақа фаолияти вақтида футболчиларни турли хил сифат ва кўрсаткичларини назорат қилиш.

Футболчиларни мусобақа фаолиятини педагогик қўзатишлар ердамида бир канча жисмоний сифатларни қай даражада ривожланганлигини баҳо-ласа бўлади.

Бундай жисмоний сифатлар: тезлик-қуч сифатини, чакконлик ва махсус чакконлик сифатини, чидамқорлик ва махсус чидамқорлик сифатларини мисол қилса бўлади. Қўзатишлар ердамида футболчиларни техник ва тактик томондан ривожланганликлари қай даражада эканлигини ҳам аниқлаш мумкин.

1.2.1. Футболчиларни индивидуал техник ва тактик ҳаракатларини назорат қилиш.

Ҳар бир уйин узига ҳослиги билан ажралиб туради. Бир уйинда жамоа қучли рақибга нисбатан майдонга тушса, иккинчи уйинда жамоа қучсиз рақиб билан баҳс олиб бориши ва учинчи уйинда эса жамоа тенг қучга эга бўл-

ган жамоа билан мусобакалашиши мумкин. Бу ҳолат эса футболчиларни тайергарлигига ҳам таъсир этади. Бундай вазиятда мураббий уз шогирдларини кучи ва билимларини тугри баҳолаши, кейинги буладиган укув-машгулот жараенини самарадорли бўлишига сабабчи булади. Бу вазиятда эса мураббий уз шогирдларини тайергарлик даражасини объектив баҳолаши учун мусобака фаолиятини назорат қилган ҳолда узини кизиктираётган маълумотларни олиши мумкин.

Мусобака фаолиятини педагогик кузатув методларида қуйидаги параметрларни баҳолаши мумкин:

- Техникани микдори. Спортчи томонидан уйин давомида бажарган умумий ҳаракатлар сони, М.А.Годикнинг (1978-80) кузатишлари шуни курсатганки, юкори малакали футболчиларнинг умум жамоавий ТТХ оптимал микдорлари 600-800 ТТХ тугри келган. Лекин бу курсаткич қандай рақиб билан уйнаётганлигига қараб узгариши мумкин. Масалан қучсизрок жамоага қарши уйналса, бу курсаткич уз-уздан ошиши аниқ. Чунки, асосан бундай вазиятда уйин тизгинини уз қулига олинади, қатта ташаббусга эришиш йули билан туп билан муомила қилиш вақти қупаяди ва уз-уздан ИТТХ микдорий курсаткичлари усиши табиий. Аксинча бўлиши ҳам мумкин. Узига нисбатан қучли рақибга қарши майдонга тушишганда аксари ҳолларда ташаббус бой берилади, туп билан муомила қилиш вақти қамаяди ва ИТТХ микдорий курсаткичлари пасайиб кетиши мумқун ва 400-500 ИТТХ ташкил қилиш мумкин.

- Футболчини техник тайергарлигини ҳар тарафлама эканлиги.
- ТТХ самарадорлиги. Бунда оптимал вариантга яқин бўлган коэффициент билан аниқланилади.

Мусобака фаолияти вақтида футболчиларни ТТХ микдори ва самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги методдан фойдаланиш мумқун: магнитофон еки диктафондан фойдаланган ҳолда қуйидаги техник приемларни езиб олинади:

- туп узатишлар (булар булиши мумкун киска, урта ва узок ма-софага);
- тупни олиб юриш;
- тупга илгари эга булиш;
- ракибни алдаб утиш;
- бош билан уйнаш;
- бош билан зарба бериш;
- оек билан зарба бериш;
- стандарт вазиятларни бажариш.

Сунгра олинган маълумотларни махсус жадвалга хар бир футболчига тегишли булган катакларга тушуришади.

Мисол тарикасида 1-жадвалда уйин давомида футболчилар томонидан бажарилган ИТТХ микдори ва самарадорлик курсаткичлари курсатилган. «+» белгиси ТТХ тугри бажарганлигини ва «-» белгиси ТТХ нотугри бажарганлигини англатади. Олдида еки тагидаги сонлар бу ТТХ самарадорлик курсаткичидир.

Мисол учун футболчи и-ов уйин давомида олдинга киска ва урта 13та туп узатиш килган. Улардан 10 таси тугри бажарилган ва 3таси нотугри бажарилган. Самарадорлик 0,76 тенгдир. Самарадорликни аниклашда тугри бажарилган харакатларни умумий харакатлар сонига булиш оркали хисобланади. Жамоа хаммаси булиб 854 харакат бажарган ва самарадорлик коэффициенти 0,65% ташкил килган.

Бу ерда шуни такидлаш жоизки, турли чизик (химоя, ярим химоя, хужум) уйинчиларига оптимал самарадорлик коэффициенти турлича булади. Химоя чизигидаги уйинчиларни меерий коэффициенти бу 0,85ни ташкил этиш керак.

Ярим химоячилардан бу курсаткич 0,75% дан 0,85 % гача ташкил этиши мумкин. Хужумчиларда эса 0,68 дан 0,75 гача ташкил килиши мумкин. Бу тафовутларни куйидагича таърифлаш мумкин. Химоячиларда купги-

на ТТХ уз дарвозалари якинида бажаришади ва ракиблар бу зонада нисбатан
камрок каршилик курсатишади аксинча

Жадвал №1.

**Бир уйин давомида футболчилар томонидан бажарилган техник ҳаракатларни миқдорий
ва сифат курсаткичлари.**

Уйинчилар	Олдинга туп узатиш	Оркага туп узатиш	Узун туп узатиш	Тупни йукотиш	Тупни олиб юриш	Тупни олиб қуйиш	Рақибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвозага зарба бе- риш	Умумий натижа
И-ОВ	10+3-0,76	18+0-1,00	5+3-0,60	2-	8+1-0,88	12+4-0,75	3+1-0,75	6+4-0,60	-	+61-18 0,77
К-ОВ	12+4-0,85	13+0-1,00	4+3-0,57	0	6+0-1,00	10+2-0,82	4+3-0,57	2+0-1,00	-	+51-12 0,80
Х-ОВ	16+8-0,66	8+4- 0,66	0+1-0	3-	8+1-0,88	1+3-0,33	4+3-0,57	2+4-0,33	3+4-0,42	+43-33 0,53
Ш-ОВ	11+6-0,64	15+5- 0,75	3+1-0,75	4-	5+1-0,83	2+5-0,28	5+4-0,55	5+6-0,45	2+2-0,50	+48-35 0,57

хужумчиларни ракибнинг дарвоза якинидаги ҳаракатлари катта қаршилик билан кутиб олиниши ва бемалол туп билан хужумчиларга йул қуйилмаслиги билан изохланилади. Хужумчиларга тупни олиб юриш, ракибни алдаш, туп узатиш (айникса олдинга) ҳаракатлари кийин келади.

Шундай қилиб бундай жадваллар ҳар бир футболчини ва ҳар бир ТТХ миқдори ва самарасини қуриш имконини беради. Кейинги буладиган уқув машғулотларда мураббий олинган маълумотлардан қелиб қиккан ҳолда уқув машғулот машқларини танлаши ва қузга ташланаётган қамқилик ва нухсонларни йуқотишга ҳаракат қилиши лозимдир.

1.2.2. Футболни жамоавий ТТХ назорат қилиш.

Шубҳасиз уйиннинг натижаси футболчиларни индивидуал қурсатқичларидан қелиб қикади. Лекин бу ерда индивидуал ҳатти-ҳаракатлар жамоавий уйин услубига буйсиниши қерак булади.

М.А.Годик, П.П.Черепанов, Р.З.Галеевларнинг таққиқотлари шуни қурсатқиқи, Россия терма жамоаси аъзоларининг бир қанча уйинларда қурсатган ИТТХ самарадорлиқ қоэффиценти юқори даражада булган ва баъзи уйинлар бу қурсатқич 0,82% ни ҳам ташқил қилган, ТТХ миқдорий жиҳати ҳам қучли ҳисобланган терма жамоа аъзоларининг қурсатқичларидан ҳам булмаган ва баъзи уйинларда миқдорий қурсатқичлари қупқилиқни ҳам ташқил қилган. Шундай булишига қарамасдан футбол ишқибозлари ва мутахасислар Россия терма жамоаларининг уйинини қизикарсиз ва самарасиз деб ҳисоблашган.

Мутахасисларнинг фикирларини тан олиб айтиш жоизқи, янги олинаётган мусобақа қурсатқичлари тулиқлиғига информатив эмас, уйин ҳаракатлари уйин эпизодларини тактик уйнашларни инобатга олишмаган ҳолда қайд қилишмоқда. Буни биринчи навбатда тупни узатиш ТТХ нисбатан айтса булади. Туп узатиш футболда қулланиладиган асосий техник қрием ҳисобла-

нади. Туп узатишни хужум ҳаракатларини самарадорлигини белгилаб берувчи омил деб караса бўлади.

Футболчиларни мусобака фаолиятини назорат қилиш методларида, позицияни тиклаш курсаткичи ҳозирги даврга келиб ҳам назорат қилинмайди. Чунки бу уйин ҳаракатини баҳоловчи критерий йуклиги сабаб бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, уйинларни назорат қилиш негизида, (айниқса ҳаракатларни) маълум хусусиятга эга бўлган туп узатишларни қайд қилиш керак. Бундай кузатишлар натижасида эса уйинчиларни индивидуал ва жамоавий ҳаракатларини узаро узвийлигини куриш мумкин.

О.П.Базилевич, Г.М.Гаджаев (1981)ларнинг таъкидлашича, футбол уйинини кейинги тараккиети уйинчиларни узаро ҳамжихатлигига боглик бўлади.

М.С.Полишкин, Ю.Я.поволоцкийларни (1986) ҳисоблашича, индивидуал ва жамоавий ҳаракатларни баҳолаётганда, улар футболчиларни тактик вазифалари самаралилигини ифодалаши лозим.

Бундай курсаткичлардан бири бу дарвоза томон берилган зарбалар ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни курсатганки, дарвоза томон берилган зарбаларнинг сони уйин натижаси билан статистик богликликка эга эмас. Лекин голиб жамоаларда дарвоза томон тугри йуналтирилган зарбалар сони, ютказган жамоанинг шу курсаткичларига нисбатан юқоридир ($p=0,50$).

Бу курсаткични футболчиларни хужум ҳаракатларини самарадорликларини баҳолашда куллаш мумкун, чунки уйин натижаси билан узаро богликлик жуда уқори ($p=0,82$).

М.А.Годик, П.П.Череканов, Р.З.Рашевлар (1984) жамоавий техник-тактик ҳаракатларни кузатишда ҳаракатдаги туп узатишни тавсия қилишган.

Ҳаракатдаги туп узатишларда, уқта шартга эътибор қаратиш лозим. Булар:

1. Тупни қабул қилмокчи бўлган футболчи туп узатилаётганда вақтда ҳаракатда (олдинга) бўлиши;

2. Тупни эгаллаётган вақтда ҳаракатни тухтатмаслиги;
3. Тупни эгаллагандан сунг ракиб дарвозаси томон ҳаракатни тухтатмаслиги;

1.3. Боб буйича хулосалар.

Махсус адабиётлар шуни курсатдики, футболчилар мусобақа фаолиятини назорат қилиш футболчиларни тайерлов процессида муҳим уринни эгаллайди. Таҳлил қилинган натижаларга асосланиб мураббийлар уйинчиларни тайергарликларини ижобий томонга узгартириш имконига эга бўлишади.

Индивидуал ТТХ кузатиш натижасида мураббийлар тезлик-куч сифатларини, махсус эпчилликни, чидамкорликни, тактик уйнашларини ва техника ҳар тарафлама ривожланганликларини кузатишлари мумкин.

II – БОБ. ТАДКИКОТНИ ВАЗИФАЛАРИ, УНИ ВА ТАШКИЛ КИЛИНИШИ.

2.1. Тадкикот вазифалари.

- Миллий чемпионатда иштирок этаётган футбол жамоаларини ИТТХ микдорий ва самарадорлик курсаткичларини аниклаш.
- Чет эл футбол жамоаларини ИТТХ микдорий ва самарадорлик курсаткичларини аниклаш.

2.2. Тадкикот методлари.

- Адабиетлар тахлили
- Футболчиларни мусобака фаолиятини педагогик кузатиш
- Таккосий метод
- Математик-статистик метод.

2.2.1. Адабиетлар тахлили.

Махсус адабиетлар тахлилини мақсади, футболчиларни мусобака фаолияти вақтида тайергарликни турли хил томонларини назорат қилишга тегишли бўлган тадқиқот маълумотларини урганишдан иборат бўлган.

2.2.2. Футболчиларни мусобака фаолиятини педагогик кузатиш

Футболчиларни ИТТХ педагогик кузатувлари икки чемпионат баҳсларида олиб борилган.

Футболчиларни ИТТХ педагогик кузатувлари етакчи Еврупа футбол жамоаларида ҳам олиб борилган. Бунда ИТТХ назорат килиш телевидения оркали олиб курсатилаетган уйинлардан килинган.

Кайд килинган курсаткичлар:

- киска туп узатишлар (оркага, енга, олдинга);
- урта масофага туп узатишлар (оркага, енга, олдинга);
- узок масофага тупни узатишлар;
- тупни олиб куйиш;
- тупни олиб юриш;
- бошда уйнаш;
- бошда зарба бериш;
- дарвоза томон зарба бериш;
- ракибни алдаб утиш;
- жарима туплари;

Футболчиларни ИТТХ «SONY.SW-10» диктафони ердамида езиб олинган. Сунгра махсус ишлаб чикилган жадвалга ИТТХ тушурилган ва тахлил килинган.

2.2.3. Қиёсий метод.

Миллий чемпионат бахсларида иштирок этаетган жамоаларни ва Еврупа мамлакатларини миуллий чемпионатларида иштирок этаетган жамоа аъзоларининг ИТТХ микдорий ва сифат курсаткичлари олингандан сунг улар орасидаги фаркларни куриш учун махсус жадвал тузилган ва жадвалга футболчиларни ИТТХ микдори ва самарадорлик курсаткичлари туширилган. Натижада техник-тактик ҳаракатларнинг узаро тафовутлари намоен булган.

2.2.4. Математик-статистик метод.

Мазкур тадқиқотда асосан олинган натижаларни урта арифметик курсаткичлари аниқланган.

III –БОБ. ФУТБОЛЧИЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ ТЕХНИК-ТАКТИК ХАРАКАТЛАР ТИЗИМИНИ УРГАНИШ.

3.1. «УзМУ» футбол жамоасини мусобака фаолиятини урганиш.

2-лига катнашчиси УзМУ футбол жамоасини мусобака фаолияти 2003-2004 йилларда урганилган. Тошкент шаҳрида бўлиб утган уйинларда кузатувлар олиб борилган. ИТТХ назорат килиш, юкорида айтиб утилган методика бўйича амалга оширилган.

Айтилганидек кузатувлар гоҳида бир канча курсаткичлар кузатилган ва тахлил килинган ва уларни натижалари билан танишган.

Туп узатишлар.

Бу техник-тактик ҳаракат футболда асосий воситалардан ҳисобланади. Футболчилар томонидан уйин давомида бажариладиган барча техник-тактик ҳаракатларни яримидан куп қисмини айнан шу курсаткич эгаллайди. Кузатувлар давомида бу курсаткични яна бир канча бўлимларга бўлиб урганилган. Жумладан:

- қиска масофага туп узатиш;
- урта масофага туп узатиш;
- узок масофага туп узатиш;
- ҳаракатдагига туп узатиш;

2-жадвал футболчилар техник-тактик ҳаракатларини натижалари курсатиб утилган.

Жадвал №2.**«УЗМУ» футбол жамоаси футболчиларнинг ТТХ урта курсаткичлари 2003-2004 й. (n=14)**

	Киска туп узатиш			Урта туп узатишлар			Узун туп узатиш	Тупни олиб куйиш	Тупни олиб юриш	Ракибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвоза томон зарба	Умумий ТТХ со-ни
	Оркага	Енга	Олдинга	Оркага	Енга	Олдинга							
+													
(самарали)	40	46	51	13	30	37	21	61	62	27	32	4	424
-													
(самарасиз)	4	4	9	3	15	21	11	77	3	13	20	5	185
Умумий ТТХ сони	44	50	60	16	45	58	32	138	65	40	52	9	609
С.К.%	0,90	0,92	0,85	0,81	0,66	0,63	0,65	0,44	0,95	0,67	0,61	0,44	0,69
Б.К.%	0,10	0,8	0,15	0,19	0,34	0,37	0,35	0,56	0,5	0,33	0,33	0,56	0,31

2-жадвалдан куришиб турибдики футболчилар кузатилган уйинларда асосан киска ва урта масофага туп узатишлардан фойдаланишган. Киска туп узатишлар футболчилар уйин давомида уртача 154 марта киска туп узатишлардан фойдаланишган. Булардан 44 марта оркага туп узатилган ва самарадорлик коэффициенти, 0,90%ни ташкил килган. Футболчиларни 50 бор енга туп узатишларни амалга оширишган ва булардан 46 таси самарали бажарилган, 4 та ТТХ нотугри бажарилган. Бу ерда самарадорлик коэффициенти 0,92% ташкил килган. Олдинга киска туп узатишларни футболчилар 60 бор куллаб, 51 тасида самарали якунланган ва самарадорлик коэффициенти 0,85% ташкил килган.

Урта туп узатишлар.

Уйин давомида урта масофага туп узатишлар уртача 114ни ташкил этди. Бу ерда киска туп узатишлардагига нисбатан оркага туп узатишлар сезиларли кискарган ва оркага туп узатишлар 16тани ташкил килган, самарадорлик коэффициенти 0,81%ни курсатган. Енга туп узатишлар коэффициенти 45 марта фойдаланган ва самарадорлик коэффициенти 0,66%ни ташкил килган. Олдинга 58 марта туп узатилган булиб улардан 37 тасигина самарадорли якунланган ва 0,63% ни самара курсаткичини курсатган.

Узун туп узатиш.

Туп узатишларнинг энг кам кисми узок масофага туп узатишларни ташкил килган ва уйин давомида уртача бундайлардан 32 маротаба кулланилган. 21ТТХ самарали якунланган ва 0,65%ни курсатган.

Умуман футболчиларнинг техник-тактик харакатларини ярмидан купини таъкидлаганимиздек туп узатишлар ташкил килади. Кузатилган уйинларда футболчилар уртача уйин давомида 305 марта бу харакатни куллашган. Агар киска масофага туп узатишлар 154тани ташкил килса, урта масофага туп узатишлар эса 119тани ташкил килса, бор йуги 32 марта футболчилар узок масофага туп узатишлардан фойдаланишган.

Ракибдан тупни олиб куйиш.

Бу техник-тактик ҳаракатда кузатишлар шуни курсатдики, футболчилар ракибдан тупни олиб куйишда 138 марта бахсга киришишган. Лекин ҳаракатларнинг аксарияти самарасиз якунланган. Жумладан 77та ҳаракат самара бермаган ва коэффициент 0,44% ташкил қилган. Бу жуда емон паст курсаткичдир.

Тупни олиб юриш.

Бу усулни ҳам футболчилар айтарлича куп куллашга ҳаракат қилишган. Уйин давомида бу усулдан 65 мартадан фойдаланишган. Самарадорлик коэффициенти юкори булган булса ҳамки (0,95%), лекин ҳозирги замонавий футболда бу техник-тактик ҳаракатдан деярли фойдаланиш йук қилинган, чунки тупни уринсиз холларда ҳам олиб юришда уйин суратини ва кескинлигини йукотишда асосий сабабчилардан булади. Бу хол купгина узбек жамоаларида кузга ташланади.

Ракибни алдаб утиш.

Ракибни алдаб утишда футболчилар нисбатан самарали фойдаланишган. Улар уйин давомида 40 мартадан бу усулдан фойдаланишган. Буларнинг 27 уриниши самарали якунланган ва самарадорлик коэффициенти 0,67%ни ташкил қилган.

Бош билан уйнаш.

Футболчилар уйин давомида уртача 52 маротаба бош билан туп билан муомилада булишган, яъни футболчилар бош билан уз шерикларига тупни узатишга ва бош билан иккинчи каватда (хавода) ракиб билан бош билан тупни олиб куйишга бахсга киришишга ҳаракат қилишган. Бу ерда 32та ҳаракат самарали якун топган ва 20та ҳаракат самарасиз якун топган. Самарадорлик коэффициенти 0,61% ташкил қилган.

Дарвоза томон зарба бериш.

Бу техник-тактик ҳаракат футболчиларни бутун уйин давомида қуйилган асосий мақсад, яъни ракибни мағлуб этишдаги асосий курсаткич, асосий омил, асосий ҳаракатдир. Уйин давомида канча бу техник-тактик ҳа-

ракатдан куп фойдаланишса, шунча дарвозани мулжалга олиш эҳтимоли купаяди, бунда самарадорлик ортиши, укув-машгулот жараенида шу техник-тактик ҳаракатни ривожлантиришдаги куйилган программа ва методларга чамбарчас боғлиқ булиши табиийдир. Лекин «УзМУ» футбол жамоаси уйинларини кузатар эканмиз, шу курсаткич уйинчилар томонидан кам кулланилишига амин буламиз. Зеро футболчилар кузатилган уйинларда уртача рақиб дарвозаси тамон 9 мартадан зарба берилган. Улардан 5таси самарасиз, яъни тепилган еки йуланган туплар дарвоза устунини енидан утиб кетган ва катта хавф тугдирмаган.

Футболчилар кузатилган уйинларда уртача 609тадан техник-тактик ҳаракатлар бажаришган. 424 та техник-тактик ҳаракат самарали яқун топган. 185 та техник-тактик ҳаракат эса самарасиз булган. Самарадорлик курсаткичи 0,69%ни ташкил килди.

3.2. «Трактор» футбол жамоасини мусобака фаолиятини урганиш ва таҳлил килиш.

Олий лига аъзоси Тошкентнинг «Трактор» футбол жамоасини мусобака фаолияти 2003 йилда миллий чемпионат бахсларида кузатилди. Асосан уз майдонида уйнаган уйинларда педагогик кузатишлар олиб борилди. Бу ерда ҳам асосан футболчиларнинг индивидуал техник-тактик ҳаракатлари назорат килинди ва таҳлил килинди. Сунгра умумжамоанинг курсатган натижалари ҳам урганилди.

«Трактор» футболчиларнинг курсатган натижалари 3 -жадвалда курсатилган.

Олинган ва таҳлил килинган натижалар шунини курсатди:

- Туп узатишлар
- Киска туп узатишлар

Кузатилган уйинларда киска туп узатишлардан уртача хар бир уйинда 169 маротабадан фойдаланилган. Улардан 144таси оркага туп узатиш булиб, 54таси енга туп узатиш ва 73таси олдинга киска туп узатишларни ташкил килган. Самадорлик коэффицентлари 0,33%; 0,92% ва 0,87% ларни ташкил килган.

3- жадвал

«Трактор» футбол жамоаси футболчиларнинг ТТХ урта курсаткичлари 2003 (n=10)

	Киска масофага туп узатишлар			Урта туп узатишлар			Узун туп узатиш	Тупни олиб қуйиш	Тупни олиб юриш	Рақибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвоза томон зарба бериш	Умумий ТТХ сони
	Орқага	Енга	Олдинга	Орқага	Енга	Олдинга							
+													
(самарали)	41	50	64	9	36	42	31	68	70	31	40	6	430
-													
(самара-сиз)	3	4	9	2	18	22	19	87	1	14	21	8	208
Умумий ТТХ сони	44	54	73	11	54	64	50	155	71	45	61	14	638
С.К. %	0,93	0,92	0,87	0,81	0,66	0,65	0,62	0,43	0,98	0,68	0,65	0,42	0,67
Б.К. %	0,7	0,8	0,13	0,19	0,34	0,35	0,38	0,57	0,2	0,32	0,35	0,58	0,33

Урта туп узатишлар.

Киска туп узатишларга караганда, урта масофага туп узатишлардан камрок яъни 129 маротаба уйин давомида уртача футболчилар фойдаланишган. Булардан 11 таси оркага туп узатиш булиб самарадорлик коэффициенти 0,81% ни ташкил килган. 54 таси туп узатиш ен томонга амалга оширилган булиб, самарадорлик 0,66% ни ташкил килган, яъни 54 таси 36 туп узатиш йуланган уйинчига етиб борган ва 18 уринишда эса бракка йул куйилган. Нихоят олдинга туп узатишлар 64 тани ташкил килган. 42 та туп узатиш самарали булиб, 22 та туп узатиш эса самарасиз якунланган. Самарадорлик 0,65% ташкил килган.

Узун туп узатишлар.

Бу техник-тактик харакатдан спортчилар 50 маротабадан фойдаланишган булиб, улардан 31 та туп узатиш уз манзилига етиб борган ва 19 таси эса уз адресатини топмаган. Самарадорлик 0,62% ни курсатди.

Тупни олиб куйиш.

Футболчилар бу усулдан айтарлича еки бошка жамоаларга нисбатан куп фойдаланмаганлари ракибдан тупни олиб куйиш уртача 155 харакатни ташкил килган, улардан 68 та харакат самарали ва 87 та харакат самарасиз булган булиб, самадорлик курсаткичи 0,43% ташкил килган.

Тупни олиб юриш.

Умуман олиб айтганда тупни олиб юриш футболчилар томонидан куп кулланилган. Бу куп нарсадан далолат беради. Жумладан футболчиларнинг жисмоний тайергарликларини коникарли деб булмайди. Чунки уйин суратини юкори даражада ушлаб туриш, айнан жисмоний тайергарликнинг юкори булиши билан ифодаланади. Жисмоний тайергарлик деганда бу хамма жисмоний сифатларни ривожланганликларидир. Бу ерда яъни уйин суратини туширмасдан бир текисда ушлаб туриш учун асосан умумий чидамкорлик ва чидамкорликнинг махсус сифатлари яхши ривожланган булиш керак ва шундагина бундай уйин услубларига эришиш мумкун. Яъни тупни узида

футболчилар иложи борича камрок, ушлаб, тупдан тез кутилиш яъни тупни уз шерикларига узатишдан иборат. Бундай уйин услуби ҳозирги замонавий футболни белгилаб бермокда. Европанинг футболи шундай уйин услубини ҳаётга тадбик қилган ва унинг учун Европа футболини томоша қилганда катта тезликлардан ва шиддатли кечувчи уйинларни гувоҳи буламиз. Бу уз навбатида футболчиларнинг аъло даражадаги жисмоний тайергарликларидан далолатдир. Лекин бу ҳолки бизнинг футболчиларимизга мос келади деб айтолмаймиз. Чунки футболчилар бутун уйин давомида бир текис стабил уйин курсата олишмаяпти. Бунинг асосий сабаби биринчи навбатда футболчи организмни бундай шароитларга қуника олмаслигидир ва бу эса уз навбатида организмни бундай нагрузкаларга нисбатан ривожланмаганлигидир. Бундай нуксонларни йукотиш учун биринчи навбатда укув-машгулот жараянини тугри йулга қуйиш ва махсус жисмоний сифатлари ривожлантиришга эътибор қаратишни қучайтириш керак.

Кузатилганларда яъни «Трактор» футболчиларни уйинларида шундай сифатлари етарли даражада ривожланмаганлиги оқибатида, футболчилар томонидан тупни керак керакмас ҳолларда олиб юришлар нисбатан қупчиликни ташкил қилди. Жумладан улар уртача ҳар бир уйинда 71 мартадан бу усулни қуллашган. Бу ҳол уйин суратини ва қизикарлилигини йукотувчи асосий омиллардан биридир. Баъзи уйинларда тупни олиб юриш 100-110 мартадан ҳам ошиб кетган ва уйин сурати ниҳоятда паст бўлган.

Рақибни алдаб утиш.

Агар футболчилар уртача 45 марта рақибни уйин давомида алдаб утишга ҳаракат қилинган бўлса улардан 31 уриниш самарали ва 14 уруниш самарасиз яқун топган ва самарадорлик 0,68%ни ифодалаган.

Бош билан уйнаш.

Уйин давомида футболчиларнинг бош билан уйнашларини қузатилганда қуйидагилар аниқланган. Уртача уйин давомида футболчилар 61 марта бу усулдан фойдаланишга мажбур юулишган. Булардан 40 та уруниш

самарали ва 21 марта брак холати кузатилган. Самарадорлик коэффициенти 0,65% ташкил килган.

Дарвоза томон зарба бериш.

Кузатилган уйинларда купгина техник-тактик ҳаракатларнинг сон ва сифат курсаткичлари айтарли даражада кунгилдагидек эмас эди. Бунга купгина сабабларни келтириш мумкун. Лекин асосий сабаблардан бири бу футболчиларни жисмоний тайергарликларини паст даражада эканлигида булса керак. Чунки техник-тактик ҳаракатларни самарали бажарилиши жисмоний тайергарликка чамбарчас боглик. Дарвоза томон зарба бериш боразида ҳам футболчилар уртача курсаткичларни курсатишди деб айтса булади. Чунончи футболчилар уртача 14 маротабадан уйин давомида дарвоза томон зарба беришган. Улардан 8 та зарба ноаник булиб, самарадорлик коэффициенти 0,42%ни ташкил килган ва бу курсаткич паст албатта. Умуман футболчилар томонидан яъни жамоа томонидан уртача уйин давомида 638 та техник-тактик ҳаракат бажарилган. Улардан 630 техник-тактик ҳаракат самарали нисбатан топган булса, 208 та техник-тактик ҳаракат эса самарасиз яъни ҳаракатлар ноаник амалга оширилган булиб, самарадорлик коэффициенти 0,675 ни ташкил килган. Брак эса 0,33%ни ташкил килган.

3.3. Чет эл футбол жамоаларининг мусобака фаолияти урганиш.

Россия футбол жамоаларини мусобака фаолиятини урганиш ва тахлил килиш.

Россия миллий чемпионатида иштирок этаётган баъзи футбол жамоаларини мусобака фаолияти педагогик назорат килинди. Жумладан Москва-нинг «Локомотив», Самаранинг «Кремил Советов», Санкт-петербургнинг «Зенит» жамоалари ва бошқа бир катор жамоаларда кузатувлар утказилди. Кузатувлар чогида юкорида айтиб утилганидек, футболчиларнинг мусобака

вактида бажарадиган барча техник-тактик ҳаракатларнинг ҳажми ва сифат курсаткичлари назорат килинди. Кузатувлар олинган натижалар 4-5,6-жадвалларда уз аксини топган.

4-жадвал

«Локомотив» футбол жамоаси футболчиларнинг ТТХ урта курсаткичлари 2003 (n=4)

	Киска масофага туп узатишлар			Урта масофага туп узатишлар			Узун масофага туп узатишлар	Тупни олиб қуйиш	Тупни олиб юриш	Рақибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвозага зарба бериш	Умумий ТТХ сони
	Орқага	Енга	Олдинга	Орқага	Енга	Олдинга							
+													
(самарали)	40	56	72	24	52	76	51	89	56	35	60	9	620
-													
(самарасиз)	5	4	14	6	16	19	22	67	1	15	27	8	204
Умумий ТТХ сони	45	60	86	30	68	95	73	156	57	50	87	17	824
К.Э.%	0,88	0,93	0,83	0,80	0,76	0,80	0,69	0,57	0,98	0,70	0,68	0,52	0,75
К.Б.%	0,12	0,7	0,17	0,20	0,24	0,20	0,31	0,43	0,2	0,30	0,32	0,48	0,25

5- жадвал

«Крылья Советов» футбол жамоаси футболчиларининг ТТХ урта курсаткичлари 2003 й. (n=3)

	Киска масофага туп узатишлар			Урта масофага туп узатишлар			Узун туп узатишлар	Тупни олиб юриш	Тупни олиб қуйиш	Ракибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвоза томон зарба бериш	Умумий ТТХ сони
	Оркага	Енга	Олдинга	Оркага	Енга	Олдинга							
+													
(самарали)	33	48	68	29	49	69	45	62	83	28	57	8	579
-													
(самарасиз)	3	5	13	7	19	25	26	1	75	20	28	10	232
Умумий ТТХ сони	36	53	81	36	78	94	71	63	158	48	85	18	811
С.К. %	0,91	0,90	0,83	0,80	0,62	0,73	0,63	0,98	0,52	0,58	0,67	0,44	0,71
Б.К. %	0,9	0,10	0,17	0,20	0,38	0,27	0,37	0,20	0,48	0,42	0,33	0,56	0,29

6- жадвал

«Зенит» футбол жамоаси футболчиларининг уйин давомидаги ТТХ урта курсаткичлари 2003 й. (n=4)

	Киска масофага туп узатишлар			Урта масофага туп узатишлар			Узун туп узатишлар	Тупни олиб юриш	Тупни олиб куйиш	Ракибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвоза томон зарба бериш	Умумий ТТХ со-ни
	Оркага	Енга	Олдинга	Оркага	Енга	Олдинга							
+													
(самарали)	34	58	64	21	62	53	44	67	82	32	52	8	584
-													
(самарасиз)	2	5	19	2	20	18	21	1	98	11	25	11	215
Умумий ТТХ сони	36	63	83	23	82	71	65	68	187	43	77	19	799
С.К. %	0,94	0,92	0,77	0,91	0,75	0,74	0,67	0,98	0,47	0,74	0,67	0,42	0,73
Б.К. %	0,6	0,8	0,23	0,9	0,25	0,26	0,33	0,2	0,53	0,26	0,33	0,56	0,27

7-жадвал.

Футбол жамоаларини ТТХ таккослаш жадвали.

Жамоалар		Киска масофага туп узатиш			Урта масофага туп узатишлар			Узун масофага туп узатиш	Ракибдан тупни олиб куйиш	Тупни олиб юриш	Ракибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвозага зарба бериш	Умумий ТТХ сони ва С,К%
		Орка-га	Енга	Ол-динга	Орка-га	Енга	Ол-динга							
«УзМУ»	+	40	46	51	13	30	37	21	61	62	27	32	4	424
	-	4	4	9	3	15	21	11	27	3	13	20	5	185
	ТТХ	44	50	60	16	45	58	32	138	65	40	52	9	609
	С,К,	0,9	0,90	0,85	0,81	0,66	0,69	0,65	0,44	0,95	0,67	0,61	0,44	0,69
«Трактор»	+	41	50	64	9	36	42	31	68	70	31	40	6	430
	-	3	4	9	2	18	22	19	87	1	14	21	8	208
	ТТХ	44	54	73	11	54	64	50	155	71	45	61	14	638
	С,К,	0,93	0,92	0,87	0,81	0,66	0,65	0,62	0,43	0,98	0,68	0,65	0,42	0,67
«Локомотив»	+	40	56	72	24	52	76	51	89	50	35	60	9	620
	-	5	4	14	6	16	19	22	67	1	15	27	8	204
	ТТХ	45	60	86	30	68	95	73	156	57	50	87	17	827
	С.К.	0,88	0,93	0,83	0,80	0,76	0,80	0,69	0,57	0,78	0,70	0,68	0,52	0,75

7-жадвал (давоми)

Жамоалар		Киска масофага туп узатиш			Урта масофага туп узатишлар			Узун масофага туп узатиш	Ракибдан тупни олиб куйиш	Тупни олиб юриш	Ракибни алдаб утиш	Бош билан уйнаш	Дарвозага зарба бериш	Умумий ТТХ сони ва С,К%
		Орка-га	Енга	Ол-динга	Орка-га	Енга	Ол-динга							
«Кр-Сове-тов»	+	33	48	68	29	49	69	45	62	83	28	57	8	579
	-	3	5	13	7	19	25	26	1	75	20	28	10	232
	ТТХ	36	53	81	36	78	94	71	63	158	48	85	18	7811
	С,К,	0,91	0,90	0,83	0,80	0,62	0,73	0,63	0,98	0,52	0,58	0,67	0,94	0,71
«Зенит»	+	34	58	64	21	62	53	44	67	89	32	52	8	584
	-	2	5	19	2	20	18	21	1	98	11	25	11	215
	ТТХ	36	63	83	23	82	71	65	68	187	43	77	19	793
	С.К.	0,94	0,92	0,77	0,91	0,75	0,74	0,67	0,98	0,47	0,74	0,67	42	0,73

Олинган натижалар асосланиб, шуни айтса буладики, Росси чемпионатида иштирок этаётган жамааларнинг техник-тактик ҳаракатларини ҳажми ва сифат курсаткичлари, Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этаётган жамоаларнинг техник-тактик ҳаракатларини ҳажми ва сифат курсаткичларидан анча яхши, яъни самаралироқдир.

Жадвалларга эътибор қаратсак. Сунги йилларда Москванинг «Локомотив» футбол жамоасида чемпионат баҳсларидаги иштироки стабил қурнишга эга бўлиб бормоқда. Индивидуал техник-тактик ҳаракатларини кузатишда футболчилар, жумладан ҳимоячилар бир уйин давомида уртача 82+-29 техник-тактик ҳаракатни, яримҳимоячилар 79+-34 техник-тактик ҳаракатни ва ҳужумчилар 48+-37 техник-тактик ҳаракатни амалга оширишган.

Жамоа бўйича эса умумий техник-тактик ҳаракатларни ҳажми 824 ТТХ ташкил қилган. Булардан 620 ТТХ самарали бажарилган бўлиб, 204 ТТХ самарасиз амалга оширилган. Самарадорлик коэффициенти 0,75%ни ташкил қилган. Бу курсаткич умумжамоа бўйича яхши курсаткич ҳисобланади.

Самаранинг «Крылья Советов» футбол жамоаси уйинлари кузатишда, уйинчилар томонидан уйин давомида уртача 811 техник-тактик ҳаракат амалга оширилган. Улардан 579 техник-тактик ҳаракат самарали бажарилган бўлиб, 232 та ТТХ самарасиз амалга оширилган. Самарадорлик коэффициенти 0,71%ни ташкил қилган.

«Локомотив» жамоасининг натижалари билан солиштирганда «Крылья Советов» жамоасининг натижалари биров ёмонроқ эканлигини кузатишда булади.

Лекин бир қанча техник приемларни самаралироқ фойдаланиш бўйича «Крылья Советов» футболчиларида бу ҳол кузатишда. Жумладан дарвоза томон зарба берилган биров устинлик аниқланган.

«Зенит» жамоасини футболчилари курсаткичлари ҳам «Локомотив» ва «Крылья Советов» футболчиларини куткичларига анча яқин бўлган. Улар бир

уйинда уртача 799 та техник-тактик ҳаракатни амалга оширишган. Улардан 584 таси аниқ амалга оширилган. 215та ТТХ ноаниқ амалга оширилган. Самарадорлик коэффиценти 0,73% ни ташкил қилган.

«Бош билан уйнаш» техник приемида анча яхши натижа қурсатилган, яъни уртача 85 та техник прием амалга оширилган ва самарадорлик коэффиценти 0,67 % ни ташкил қилган.

Узун туп узатишлар ҳам самарадорлик юкори қурсаткичларга эга бўлган. Уртача 65 маротаба бу усулдан фойдаланиб, уларни 44таси самарали ниҳоясига етган.

ХУЛОСАЛАР.

1. Махсус адабиетлар шуни курсатдики, футболчиларни мусобака фаолиятини назорат килиш футболчиларни тайерлаш жараенида мухум урин эгаллайди. Индивидуал техник-тактик харакатларни бахолаш билан бирга, футболчилар тезлик-куч сифатларини, махсус чакконлигини, чидамкорлигини, тактик уйлашларини ва техник хартарафламалик кобилиятларини аникласа булади. Тахлил натижаларига асосланиб, футболчини турли тайергарлик томонларига махсадли таъсир этса булади.

2. «УзМУ» жамоасини педагогик кузатишлари бир канча фактларни очиб берди. Жумладан футболчилар томонидан бажариладиган ИТТХ купгина камчиликлар намоен булган. Узун масофага туп узатишларда футболчилар уртача хар уйинда 35% бракка йул куйилган. Энг емон курсаткич, яъни 56% брак «ракибдан тупни олиб куйиш» техник приемида кузга ташланган. Яъни худди шундай курсаткич дарвоза томон зарба йуллашда хам кузатилган. «Бош билан уйнаш» (узатиш) техник приемида хам емон натижа яъни 39% брак кузатилган.

3. «Пахтакор» футбол жамоасини уйинлари кузатилганда куйидагиларга амин булдик: футболчилар уртача уйин давомида 638 ТТХ бажаришади. Улардан 208 ТТХ самарасиз якун топади ва брак 33% ниташкил этади. «Ракибдан тупни олиб куйиш» техник приемида 57% ли бракка йул куйилган. Дарвозага зарба беришда хам паст курсаткич, яъни 42% самарага эришишган. Киска ва урта масофага туп узатишларда йул фойдаланилган. Узун масофага туп узатишларда хам (50 марта) фойдаланилган. Бу эса футболчиларни тез хужумлар уюштиришга салбий таъсир курсатиши билан характерланмайди.

4. Россия чемпионатида иштирок этган бир неча жамоаларнинг курсатган натижаларидан хулоса килиб, шуларни айтиш мумкунки, жамоани умумий техник-тактик харакатларини хажми ва сифат курсаткичлари Узбе-

кистонлик жамоалари шундан курсаткичларидан анча яхшидир. Агар «Трактор» футболчилари уртача 638та ТТХ амалга ошириб ва шунда самарадорлик коэффициенти 0,67%ни ташкил килган булса, «Зенит» футболчилари эса уртача 799та ТТХ амалга оширишган ва самарадорлик коэффициенти 0,73%ни ташкил килган. Яъни 155 та техник-тактик харакатни купрок амалга оширишган булиб, бу эса уз навбатида уйинни бориш суратига хам чамбарчас боглик. Бу холат эса уйинчиларни жисмоний сифатлари, жумладан махсус чидамкорлигини яхширок ривожланганлигидан хам далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асович И.М. – Исследование скоростно-силовых качеств у подростков, юношей в связи с особенностями их игровой деятельности. Автореф.канд. дисс. на соиск.учен.степ.канд.пед.наук. 1968 г.
2. Акрамов Р.А. – Исследование методов отбора перспективных футболистов. Автореф.канд.дисс. на соиск.уч.степени канд. Пед. Наук. М.1977 г.
3. Акрамов Р.А., Талибджанов А. – В кн. «Юкори малакали футболчиларни тайерлаш». Ташкент – 1994 й.
4. Акрамов Р.А.- Игровые и тренировочные нагрузки в футболе. Учебное пособие – Ташкент. Издательство им. Ибн Сино, 2002 г.
5. Айрапетьянц Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры – Т.: Издательство им. Ибн Сино, 1991 г.
6. Арестов Ю.М., Годик М.А., Шамардин А.И. – Эффективность и надежность технико-тактических действий вратарей в условиях соревнований. Ежегодник «Футбол», 1981 г.
7. Базилевич О.П., Гаджиев Г.М. – Моделирование соревновательной деятельности команд на основе количественных показателей коллективных действий в игре. Ежегодник «Футбол», 1981 г.
8. Гаджик Г.М., Годик М.А., Зонин Г.С. – Контроль соревновательной деятельности высококвалифицированных футболистов. Методические рекомендации. М. 1982 г.
9. Годик М.А. – Контроль в процессе спортивной тренировки. В кн.: «Подготовка футболистов». М. ФиС 1978 г.
10. Годик М.А. – Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. М. ФиС. 1980 г.
11. Годик М.А., Черепанов П.П., Галиев Г.З. – Интегральная оценка атакующих действий. Ежегодник «Футбол» 1984 г.

12. Годик М.А., омар Саид, Папаев В.Е., Кузмичев Д.В. – Решение тактических задач – контроль и оценка. Ежегодник «Футбол», 1985 г.
13. Зонин Г.с. – Исследование физической, технической подготовленности и их совершенствование у футболистов. Автореф.канд.дисс. на соиск. уч. степ. канд. пед. наук. М., 1974 г.
14. Изаак В.И. – Экспериментальное обследование методики физической и технической подготовки гандболистов старших разрядов. Афтореф.канд.дисс.на соиск.уч.степ.канд.пед.наук. М., 1977 г.
15. Королев В.З. – К вопросу о взаимосвязи средств и методов развития силы техники у футболистов. В кн.: «Тезисы докладов конференции по итогам научно-исследовательской работы за 1966 г.» Минск, 1975 г.
16. Корнеев А.С. – педагогический контроль спортивной деятельности на основе показателя равновесия, Автореф.канд.дисс.на соиск.уч.степ.канд.пед. наук. М., 1980 г.
17. Кошбахтиев И.А.- Эффективность атакующих действий в современном футболе. В кн.: «Некоторые вопросы физического воспитания и развития спорта среди школьников и молодежи». Ташкент, 1975 г.
18. Курбанов З.А. – Организация учебно-тренировочного процесса футболистов в условиях Узбекистана. (Учебное пособие), Ташкент, 2000 г.
19. Морозов Ю.А. – Метод регистрации технических приемов футболистов во время игры. В кн.: «Материалы научно-методической конференции вузов Ленинграда по физическому воспитанию». Л., 1976 г.
20. Морозов Ю.А. – Перед игровая разминка как фактор формирования готовности футболистов к игре. Автореф.дисс.канд.пед.наук. Л., 1968 г.
21. Морозов Ю.А. – Анализ технико-тактических действий лучших команд чемпионата мира 1974 года. В кн.: «Подготовка футболистов». М., 1978 г.

22. Нуримов Р.И. – методы измерения и совершенствования ловкости у высококвалифицированных футболистов. Ежегодник «Футбол», 1980 г.
23. Нуримов Р.И. – Контроль и совершенствование ловкости футболистов. Методические рекомендации. Ташкент, 1980 г.
24. Нуримов Р.И.- Совершенствование учебно-тренировочного процесса футболистов. Ташкент, 2001 г.
25. Нуримов Р.И. - Совершенствование тактических действий футболистов высокой квалификации. Ташкент, 2000 г.
26. Пагиев В.Б. – Исследование взаимосвязи уровня физической подготовленности и технического, тактического мастерства футболистов высших разрядов. Автореф. Дисс.на соиск.уч.степ.канд.пед.наук. М., 1977 г.
27. Полишкис М.С.- Показатели коллективных и индивидуальных технико-тактических действий как критерии оценки качества игры футболистов. Ежегодник «Футбол», 1980 г.
28. Рымашевский Г.А.- факторы надежности выполнения технико-тактических действий футболистами высокой квалификации. Ежегодник «Футбол», 1980 г.
29. Сергеев Г.М. – Экспериментальное обоснование планирования подготовки юных футболистов в условиях жаркого климата. Автореф.дисс.канд.пед.наук. Ташкент, 1977 г.
30. Скоморохов Е.В. – Комплексный контроль и методы совершенствования специальной подготовленности высококвалифицированных футболистов. Автореф. Дисс.канд.пед.наук. Малаховка, 1980 г.
31. Скоморохов Е.В., Голоденко Г.А. – Факторная структура технико-тактической деятельности команд среднеевропейской зоны. Ежегодник «Футбол», 1984 г.
32. Талибжанов А.И.- Оперативный контроль и планирование подготов-

ки футболистов высокой квалификации. Автореф., дисс.канд.пед.наук. – Ташкент, 1983 г.

33. Шперлинг К.А. – О методах и организации отбора и комплектовании юных футболистов (10-12 лет). Методические рекомендации. М., 1975 г.
34. Шамардин А.И. – Содержание технико-тактических действий вратаря в условиях игры и тренировки. Ежегодник «Футбол», 1982 г.
35. Dygrand M. Football in Teacher Training. Second World Congress on science and football.-Eindhoven – 1981.